

ИНСОН ВА ҚОНОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

“Мен анилаан ҳаёт
закиқати”

Давлатнинг кўпи
ҳаромсиз, сўзниг
кўпи ёлғонсиз бўл-
мас.

ЮНУС ЭМРО

2019 йил 11 июнь

сешанба № 23 (1175)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/



«БОЛАМ, МЕНГА
ПУЛИНГ ЭМАС,
МЕҲРИНГ
КЕРАК...»

ЁХУД ОСТОНАДА
ҶОЛГАН АРМОНЛАР

Адлия вазирлиги “ЭНГ ЯХШИ ҲУҚУҚ ТАРГИБОТЧИСИ” танловини эълон қилади:

Танлов қўйидаги

10 номинация бўйича ўтказилади:

1. “Ҳуқуқий таргигботдаги фидойилиги учун”;
2. “Ҳуқуқий маданиятни таргиг қўлувчи энг яхши мутахассис”;
3. “Ҳуқуқий маданиятни таргиг қўлувчи энг яхши журналист”;
4. “Ҳуқуқий маданиятни таргиг қўлувчи энг яхши ОАВ”;
5. “Ҳуқуқий маданиятни таргиг қўлувчи энг яхши блогер”;
6. “Ҳуқуқий маданиятни таргиг қўлувчи энг яхши сайт”;
7. “Ҳуқуқий таргигботдаги энг яхши инновацион лойиҳа”;
8. “Мажаллада ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги фаоллиги учун”;
9. “Ҳуқуқий таргигботдаги энг яқин ҳамкор”;
10. “Энг ёш ҳуқуқ таргигботчиси”.

Танлов фуқароларнинг
ҳуқуқий ва ижтимоий фа-
оплигини янада юксалти-
риш, ҳуқуқий саводхонли-
гини ошириш, аҳоли ора-
сида кенг кўламли тарги-
бот ишларини амалга
оширайтган ҳуқуқ тарги-
ботчиларини аниқлаш ва
упарни муносиб равишда
рагбатлантириш мақса-
дига ташкил этилди.

Танловда мутахассислиги ва касбидан қатъи назар, 18 ёшга тўлган
барча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.
Малакали ҳуқуқшунослар ҳамда тажрибали амалиёт ходимларидан
иборат танлов ҳайъати голибларни аниқлайди.
Голиблар эсдалик нишонлар, дипломлар, статуэткалар ва соврин-
лар билан тақдирланади.
Танловга материаллар 28 майдан 20 июня қадар қабул қилинади.

Танлов учун материалларни қўйидаги манзилга юборинг:
Тошкент, Сайилгоҳ 5 x.klichev@adliya.uz
Батафсил маълумот: www.minjust.uz сайтида.
Мурожаат учун телефон: 71/233-75-97
“Энг яхши ҳуқуқ таргигботчиси” танлови низоми

ФУРУРИ ЎЛГАН ОДАМНИНГ ФУРУР ДЕГАНДА БИЗ ЭНГ АВВАЛО

БУ ҲОЛАТ НИМАЛАРДА АЁН БҮЛДИ?

Ававло ўз тилимизга нисбатан ўзимизда — ўзбеклар орасида миллый турур шакл томади. Азал туркий тилнинг бой меросидан баҳраманд бўлган. На-войи ашъорининг кудрати билан камол-га етган буюктарининг авлоди бўлган фарзанд-ларимиз рус мактабига бориб, русийзабон этишиб, ўз она тилини акцент (хатолик) билан сўзлаётганини, не тонгки, кулиб, гурурга тўлиб қарши олмоқдамиз. Қандай ота-оналармизки, ўзбек тилини хатолик билан гапирэётган болалимиз буда унинг иотуги эмас, айтиш жоиз бўлса, мусибати эканлигини англатмаяпмиз?!

2 Айрим расмий идораларда, кўплаб маҳаллий идора ва ташкилларда хамон хат алмашинувлари ва хужжатлар бўйича иш юритуви рус тилида олиб борилмоқда. Баъзида тулпатаузук испоҳотларни бошдан кечираётган (испоҳотлар давлат тилини кўллашга ҳам тегишили эмасми?) расмий юқори ташкилотдан рус тилида хат оламиз, ба тегиши бўйруқ булиши ҳам мумкин. Эн ачиналирси, жиммина бўйин эгиг хатта жавоб тайёрланади, бирорта мард бўйинни чўзинг, давлат тили ўзбек тили-ку, деб айтмайди. Бундай қараганди ҳам ўзингиздан юқори органга хатни ёки бўйрганинги ўзбек тилида жўнатинг, дея қайтариб юбориб бўладими? Лаганбардорлик ва хайбарақаллачилик авж олган расмий ташкилларимизда ҳеч ким ўзидан юқори турувви органга бундай жавоб беролмаслиги аниқ.

3 Қонунлар, норматив ҳужжатлар лойи-
халари рус тилида тайерланиб, бал-
ки кабул қилингандай, кейин ўзбек тили-
га (давлат тилига) таржима қилина-
япти. Буни қонун ҳужжатларини оддий
одамлар тушунмаслиги, уларда жумларининг
ғализлиги, бир хил, айни дамда ҳеч ким учун
тушунарсиз атамаларнинг такорланиши (ас-
лида қонунни тушуннингиз учун асосий)
тушунчалар берилади, лекин тиредан кейинги
изохни ўн марта ўқисангиз ҳам ҳеч нимани ту-
шунмайсиз) билан изохласа бўлади.

4 "Замонавий ўзбеклар" учун гап орасига иккита русча атамани кўшиб гапириш, фарзандлари билан русча-ўзбекча араплашибиртир сўзлашиш – бу "ифтихор". Албатта, хорижий тилни бутарика ўрганишининг деч бир ёмон томони йўқ. Аммо шундай гапириш айримлар учун фарҳий тилгаётган чиндандан миллат учун фалолат.

5 Минг афсуски, бир вақтлардаги эски тузумдан воз кечиб, чорак асрдан зиёдлик миллий ифтихорга эга бўлса-да, фуқаролик хужжатимизадиги Джумаев, Якубов, Джаббар каби исми-шарифларни ўзгартира олмайпиз. Бир томондан паспортлардаги, исми-шарифлар шундай ёзилар экан, Facebookга ўхшаган кўллаб ижтимоий тармоқ саҳифаларида Дильшод, Матлоба, Садыхова, Артиков каби исм ва фамилияларни ўйбифонимиз кўтарила-нинг нима фойдаси бор? Агар шундай фамилия эгаларидан бирининг, айтайлик, газета саҳифаларида мақолоси чираби қолса, унинг фамилиясини Кабилов эмас, Кобилов деб ёэйлик борми, муаллифнинг тўполони (айни-са, у бирор амандор бўлса) авжига минади. Тўгри-да, таҳриринг фамилияни нотўғри ёзганда, хужжатда Кабилов турибди-ку, ахир. Бу ерда миллий гуруннинг нима дахли бор?

Буларни санайверса охирин кўримнамайди, ўзбек тилининг бу таҳлил хўрланиши устидан муъбоҳасалар ОАВ ва икиммой тармоқларда давом этаяпти. Биз эса ўзбек тилининг, умуман ҳәётимизда ва расмий идоравий фолиятимизда дўйланилиши қонун билан кай дараҳада мустаҳкамланганига муфассал тўхталимоқчимиз.

ҚОНУНДА ЎЗБЕК ТИЛИ ЮМШОҚҚИНА “ЎЛАМАЖОН”ЛИК БИЛАН ТАН ОЛИНГАН

1989 йилда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Конунг қабул қилинди. Ўтган вақт оралигидан мазкур хужоатга 1995 йил, 2004 йил, 2010 йил, 2011 йилга тикшерилганда жами беш марта ўзгартириш киритилган. Бу ўзгаришлар эса бирор бошқа норматив хужоат қабул қилинганлиги, бу билан давлат тили тўғрисидаги қонунда айрим жумлаларини номутаносиб келиши оқибатида баъзи бирор

атамаларнинг олиб ташланганилиги ёки алмаштирилганлиги биланнига алоқадор, холос. Давлат тили түгриси даги қонунимизнинг асосий мазмунини қабул қилинганда қандай бўлса ҳамон шу ҳолича, бир “түки” ҳам ўзгармаган. Энди ўйлаб кўрайлик, конун қабул қилинган 1989 йилла мухит канлайди эди?

Биз ҳали расмий мустақил ҳам бўлмаган эдик. Шундай шароитда ўзбекни тилига давлат тили мақоми берилши жасорат эди, албатта. Бироқ ҳали биз унда бошқа бир йирик "иттифоқ"нин

Унда юзаша бир илрик итиғор таркибида эдик. Табийки, бирданнага ўзбек тилини кўкка кутара олмас эдик. Шу сабаб ҳам давлат тили тўғрисидаги қонунда ўзбек тилининг расмий тил эканлиги юмшоқинча айтиб ўтилган. Қонуннинг бир қанча бандларпарида ўзбек тилини секингина тан олган ҳолда уни четлаб ўтиш ҳолатларини кўриш мумкин. Масалан, қонуннинг 10-моддасини олайлик. Унда "Корхоналар, муассасалар ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия хужоатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа типларда ҳам амалга оширилиши мумкин", деб белгиланган. Албатта, ўзбек тилининг давлат тили эканлиги республика худудидаги яшовчи миллат ва эзлатларнинг ўз онага тилини кўллашдан иборат конституцияий ҳукуктарига моненинг қимаслигига керак. Аммо бу ерда гап муассаса ва ташкилотлар ҳақида кетаяти. Нега энди мамлакатдаги барча расмий в

маҳаллий идораларда иш юритиши-
ни расмий тилда шарт қилиб қўйиш
мумкин эмас? Ўзбекистонда яшаб туриб
ўзбек тилини билмайдиган ва ёки
менсизмайдиган "ўзбеклар", "ишлов-
чиларининг кўпчилиги ўзбек тилини
билмайдиган жамоалар" кўпайишига
давлат тилини ҳимоя килиши керак
булган қонунинг ўзи йўли очиб бер-
маганими? Ҳамма бало ҳам шундаки
қонуниздими ўзбек тилининг расмий
давлат тили эканлигини ифода этиувчи
махбурйлик туси йўқ. Бирорта мод-
дада "шарт" ёки "махбурдирлар", де-
гандан жумлани учратмайсан. Ваҳоланки
ўзбек тили давлат тили бўлар экан
чунинг барча фуқароси давлат тилини

Бизга хатлар ва айрим идоравиي ұхжаттар ҳалия� рус тилида келади, деган шикояттар баъзи давлат идоралари ходимлари томонидан күп айтилди. Шу масала телевидение ва матбуотда ҳам бот-бот күтарили. Лекин давлат тили түғрисидаги қонунни очиб қарайлик ахир, бирорта ҳам бандда давлат идораларида давлат тилида иш юритиш шартлиги ҳакидаги норма йўқ. У ҳолда биз нимани талаб қиласаймиз ўзи?

направлены на рассмотрение
в соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан
о гражданских и юридических лицах.
Ваше рассмотрение просим сообщить завтра
ночью до 21 мая 2019 года.

япмиз. Қонуннинг 20-моддасида айни давр ҳаётимиз учун қызик бир ҳолат бер. Үнда “Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошقا кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнларга давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади”, дейилган. Бугун ҳар қадамда бошқа тилларда, ўзбек тили билан ноўйгунликда коришиб кетган рус тилидаги эълонлар ва лавҳаларга кўзимиз тушиди. Бу эълон эгаларини ҳеч ким қонунни буздинг, деб жавоб гариклика тортаёттани йўқ. Қызик, като қонунда “лавҳалар, эълонлар давлат тилида расмийлаштирилиши шарт” эмас, балки “лавҳалар, эълонлар давлат тилида расмийлаштирилади”, деб

йрим идоравий ҳужжатда келади, деган шикоидоралари ходимлари. Шу масала телевидение т-бот күтарылды. Лекин аги қонунни очиб қарайлик да даелат идораларида шишиш шартлиги ҳакидағи нимани талаб қылаяпмиз

белгиланганидамикан ёки ўзи давлат тили ўзбек тили, лекин умуман олганда, "мы открылись" деб ёзаверса ҳам бўлади, деганими бу?!

Давлат тили түрگисидагы қонуннинг кўплаб моддаларида шу тарз "иш давлат тилига олиб борилади, лекин заруриятга қараб..." деган хоҳлаганча талқин қўйла бўладиган жумлалар бор нормалар мавжуд. Агар заруриятга қараб дуч келган жойда давлат тили ўрнига бошқа тип кўлланниб кетаверса, унда давлат тили ҳақидаги қонуннинг нима кераги бор? Қонуннинг масадаси давлат тилини химоя

Қозғыстон Республикасынның Да-
лат тилига оид Қонунда Да-лат ти-
лини жаллашы Қозғыстонининг ҳар би
фуқаросининг бурчы, вазифаси эканлы-
ги таъкидланган (бизнинг қонунимиздэ-
бундай, ҳамтто шунгег ўхшаб кетадига-
жумаллар ҳам ийк).

давлат органларида ўзбек тилида иш
ва хат-хужжат юритишни мажбурий
қилиш керак эмасми?

Бизга хатлар ва айрим идорави
хуҗжатлар ҳалим рус тилида кела
ди, деган шикоятлар баъзи давлат
идоралари ходимлари томонидан кў
айтилди. Шу масала телевидение ва
матбуотда ҳам бот-бот кўтирилди. Ле
кин давлат тили тўғрисидаги қонун
ни очиб қарайлик ахир, бирорта ҳам
бандда давлат идораларида давлат
тилида иш юритиш шартлиги ҳақидаги
норма йўқ. У ҳолда биз нимани талаб
қиласяпмиз ўзи?

Наздимизда, ана шу мажбурийлик принципининг йўқлиги сабабли ҳам давлат тили ҳақидаги ушбу қонуннинг талаблари шу кунгача кўп оваришида бузиб келинаёттанини кўра.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ:
Россия, Грузия, Озарбайжон,
Козогистонда давлат тили

Дөсистегіда давлат тили
қонун билан ҳимояланған.
Бизда-чи?!

ВИЗДА-ЧИ:

Россия Федерациясининг Конуничилигига давлат тилининг рус тили эканлиги мустахкамлаб кўйилган. 2005 йил 20 майда қабул килинган "Россия Федерациясининг Давлат тили тўрғисида"га Федерал Конуни давлат тилини бутун Россия худуди бўйлаб кўлланилиши, давлат тилида гапирадиган фуқароларнинг хукука-



ТИРИК МУРДАДАН ФАРҚИ ЙЎҚ: ТИЛНИ ВА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИМИЗ КЕРАК!

рини таъминлаш, давлат тилини ҳимоя қилиш ва тил маданиятинг ривохига қаратилган. Қонуннинг 2-моддасида бир қанча норматив хужжатлар билан Россия Федерациясида давлат тилининг кўлланилиши маъжбурий эканлиги белгилаб кўйилган. Айнан “обязательность” деган тушунчалик Қозогистон, Грузия, Озарбайжоннинг давлат тили тўғрисидаги қонунчилигига ҳам учратдиц. Россиянинг давлат тили тўғрисидаги қонунида яна бир мухим жиҳат эътиборни тортид. Қонуннинг 4-моддасида: “Россиянинг давлат тили кўп миллатли халқ орасида ўзаро бир-бирини тушуниш, миллатлараро алоқаларни мустахкамлаш учун хизмат қилилади”, дейилган. Янни, мамлакат ҳудудида яшовчи барча миллатлар рус тили воситасида ягона кўпмиллати давлат атрофида бирлаштирилди. Демак, “зарурията қараб, давлат тилини билмайдиганлар учун бошқа тилда иш юритиш мумкин” эмас, ҳам рус тилига хурматни ошириш, ҳам тил воситасида миллатларни ўзаро яддилтика чорлаш бу.

Қозогистон Республикасининг давлат тилига оид Қонунида давлат тилини билиш Қозогистоннинг ҳар бир фуқаросининг бурчи, вазифаси эканлиги таъкидланган (бизнинг қонунимизда бундай, ҳатто шунга ўхшаб кетадиган жумлалар ҳам йўқ). Мазкур қонунда давлат органлари, барча расмий идоралар, маҳаллий ва бошқа ижро ташкилотлар Қозогистон Республикасининг давлат тилини мунтазам ривожлантиришига, тилнинг халқаро

нуфузини оширишга, барча мамлакат фуқаролари тилини ўрганишлари учун шароит тайёрлашга, тилни асрар қолиши учун турли қозоқ лажжаларига ёрдам кўрсатишга маъжбур эканлиги белгиланган. (Бизнинг қонунимизда давлат органларига, умуман, ҳеч кимга маъжбурият юкландиган).

сат берилар экан.

Грузиянинг давлат тили ҳакидаги Қонунида давлат тилини ҳимоя қилиш кафолатларига қаратилган алоҳида боббор. Унда грузин тилини давлат ҳимоя қилиши, барча давлат органлари ва маҳаллий идоралар давлат тилининг ривохи ва соғлиги учун жавобгар эканлиги белгилаб кўйилган.

Нима учун бу қонунлар ҳакида гапириб ўтирибмиз? Наздимизда, уларнинг ҳамисадан давлат тили бора-сидағи қонунчилигимизда ўрганадиган ва татбиқ қиласидиган жиҳатлари бор. Қонунда

“Агар зарурията қараб дуч келган жойда давлат тили ўрнига бошқа тил қўлланиб кетаверса, унда давлат тили ҳақида қонуннинг нима кераги бор? Қонуннинг максади давлат тилини ҳимоя қилиши, мустаҳкамлаш ва ўрни келгандаги уни тақомиллаштириши бўлиши керак эмасми?”

Озарбайжон қонунчилигига ҳар бир фуқаро давлат тилини билиши маъжбур, деб белгиланган. Демак, миллатдан қатти назар, Озарбайжон фуқаросими, демак у озар тилини билишга маъжбур. (Бизда бу тартиби жиллакурса, айрим таг-туғи ўзбек, лекин ўзбекча гапирломайдиган) Ўзбекистон фуқаролари учун кўплласа (бўларкан). Қонунга муваффик, Озарбайжон Республикаси давлат тилининг қўлланилишини, ривохини ва ҳимоясини таъминланди. Бу давлатда Озарбайжон ҳудудида фаoliyat юритаётган халқаро ташкилотлар хужжатлар бўйича иш юритувини давлат тилида олиб борар экан, истисно тариқасида хорижий тилда ҳам бўлиши мумкин, бу ҳам бўлса бир шарт билан, янни, Озарбайжон тилига таржима қилингандагина бунга руҳ-

маъжбурий равишда мустаҳкамланмагани учун ҳам ўзбек тилига ўзтибор бир мунича сусайгандир, эҳтимол. Кўча-кўйдаги, ижтимоий тармок ёки мобил телефонлар воситасидаги ёзишувлардаги тил нормаларининг бежаб ташланганини-ку кўн турайлик, расмий жойлардаги давлат тилига беписанд иш юритуварини эпақага келтириш учун ҳам қонунни ўзгаришиш керак-ку! Давр тақозоси билан қонунни ўзбек тилини юксалтиришдан чўчиброк қабул қилинганини тушуниш мумкин. Лекин орадан 30 йил ўтиб ҳамки, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонунни қайта кўриб чиқишининг наҳот ҳалиям вақти келмаган бўлса!?



Она тилимизга бўлган миллий ғурурни қаҷон ўқотдик ўзи?!... Бу ҳақда таниқли адаб, драматург Қўчқор Норқобил ижтимоий тармоқларда шундай ёзган эди:

АЙРИМЛАРГА...

Қаловини топиб гапирсанг тогни силжитиб юборадиган тилимиз бор. Мен ўрисчада ўшалардада чулдрай олмаслигим мумкин. Лекин Чеховни аслиятида ўқиб, з-еъ, шу жойда ўзбек тилининг шашти-шиддати етишмай қолган-да, деган фикрларга ҳам борганим. Ичиндан чақимоқ чақиб, гулдираб отиладиган овозинг эмасми тилинг?! Ўз овозингни ўзинг бўғмокчимисан? Дарвоқе, овозинг бормиди ўзи? Яратган Инсонни овозидан таниб олади, деб ўйлайман мен. Шунинг учун ҳам Яратгана илтижо қиласим. Барака топур, кўй, ўзингни ўзинг бўғмагин. Шунча бўғилганимиз етмайдими? Навоини-ку ўқимайсан, чунки, чунки, тушунмайсан. Берироқка келсан, Тогай Муродин, Мурод Муҳаммад Дўстни, Эркин Аъззамни, Назар Эшонкулни ҳам ўқимайсан, чунки, тилимиз оташидан завқлашиб тўйусидан бенасибсан. Чунки, Сен уларни ҳам тушунмайсан. Ишон, улар ўзбек тилида ёзишади. Уларнинг асарларини манан ман деган ўзга тилинга ўтириб кўр-чи, ўша ажнашиб забонинг миссига курт тушган қўй каби бир жойда гирриплаб, айланниб қолади. Ўзбек тилининг юкини бошқа тиллар кўтара олмайди. Мен нима дёйттанимни ҳам тушунмаяспан ҳозир... Кўп нарса қўлдан кетди — кийим-бошни-ку гапирмай, айтгулик-дегулигимиз йўқ. Ўзим ҳам айни чоғ шу алғоздаман. Бошга кўл чўзай десам дуппи йўқ. Майли, кетгани-кетди, кетадиган жойига, лекин шуғина тилимиздан бошқа яна нимамиз қолди қайгурдиган?! Маънавиятми, қадриятми, ахир бу-ларнинг ҳам жони тил-ку! Ўзинг биласан, менга деса ўнта, юзта тилда гаплаш, хохласан. Африқонинг ит томас “Паканчакаткура” қабиласининг ҳам тилини ўрган, Сенга қарсак чалиб олишишламасам, мен номард. Сенга шу гапларни гапира-тиб ўзим ҳам қўйнаплиб кетаялман. Ўзимни қаерга қўйишни билмаяпман; уят-еъ, ўзбекка ўз тилинги ерга урма деб зор-қақшаса... Жуда оғир... Жудаям.

Мадхия АВАЗОВА,
“Инсон ва қонун” мухабири

Хўш, бу борада қандай асосий тақлифларни бера оламиз?
Шу савол билан қонунчилик палатаси
депутатига юзландик:

БОШҚА ТИЛЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БАРЧА
ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ
ЭМАСЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУР

Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонунни ўзгариши керак, деб ҳисоблайман. Қонунда давлат тили ўзбек тили эканлигини ҳисобга олиб, ҳамма норматив ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилида бўлиши лозимигиги ва бошқа тилларда қабул қилинган барча ҳужжатлар ҳақиқий эмаслигини мустаҳкамлаш зарур. Қонун билан ҳимояланмагани учун ҳам давлат тилини расмий идораларда иш юритишида ва ҳужжатларни қабул қилишида кўлланилишидаги хатоликларни кўриб туришади.

миз. Қонун билан ўзбек тилидан бошқа тилда қабул қилинган ҳужжатларни ҳақиқий эмас, дейилмаса бу ҳолат давом этаверади.

Расмий идораларда ҳам барча ўзишни ва ҳужжатлар давлат тилида юритилиши лозимигиги давлат тили тўғрисидаги қонунимизда алоҳида кўрсатиш, нормаларда белгилаб кўшиш керак. Масалан, бугунги кунда амалда бўлган СанПин нормалари ўзбек тилида эмас. СанПин — бу Ўзбекистон Республикасининг санитария-тегишина қоидалари, лекин уни расмий тилда ҳам сўзлашув тилида ҳам СанПин деймиз. Шахарсозлик норма ва қоидаларининг аксарияти ҳам шу ахволда — давлат тилида эмас, рус тилида ёзилган ва шу тилда амал қилиб келинайти. Бу ўз үрнида фуқаролар, айниқса, тадбиркорларга қийинчиликлар олиб келмоқда. Бундай олиб қаралганда, шахарсозлик қоидалари ёки СанПиннинг давлат тилида эмаслиги, янайам ёмонроги, шунчага йилдан бери расмий давлат тилига таржима қилинмаганини уятдир.

ДЕПУТАТНИНГ ГАПЛАРИНИ “ҚИЗИЛ ҚОР ЁҒАНДАЙ”
ҚАБУЛ ҚИЛАЯПМИЗ

Бугун ҳалқ дардини ва ўз фикрини бемалол айтадиган депутатларимиз сони ортаялти. Айни дамда ижтимоий тармоқлар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демоқратик партияси фракцияси аъзоси даврон Ариповнинг “Кўп квартириали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида “квартира” сўзи ўрнига “хонадон” сўзи ишлатилиши кераклиги фикрларини бонг уриб айтмоқда. Депутатнинг жон кўйдиргани тўғри, қонун ҳужжатларининг номида ҳам давлат тилига хурмат сезилиб туриши керак. Аслини олганда эса “квартира” сўзининг тўғридан-тўғри таржимаси “хонадон”-ку. Депутатнинг сўзларини “қизил қор ёғандай” қабул қилалигимиз. Аслида қонун номини ёзаётгандаёт, сави табиий билан “хонадон” деб ёзишимиз керак эмасми?



"Lex.Uz" тарбиятчысының 100-жылдан ортик фойдаланувчи мурожаат қилмоқда

ХАР бир фуқаро, хоҳ ўш, хоҳ кекса бўлсин, ўз ҳәтида ҳуқуқи маслаҳатларга эҳтиёж сезади. Ана шундай вақтда ҳуқуқи мавзудаги китоб ва адабиётлар, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами" расмий нашрида чоп этилаётган адабиётлар беминнат маслаҳатгўй бўла олади.

Шу жижатдан ҳам юриди адабиётлар нафақат ҳар бир давлат идораси ва ташкилоти, балки ҳар бир оиласини оиласий кутубхонасидан ўрин олиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Зоро, ўзи яшаетган мамлакатнинг қонучилигини мумкаман билган ва ундан ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиб борган фуқаро ўз ҳуқук ва манбафатларни, бурчларини яхши билади, ҳар бир исда, муммомли вазиятларда ҳам шошилмай, оқилотна фикр юритади.

Президентимиз томонидан жамият ҳәтида эзгу қадрият ва анъаналарни чукур қарор топтишига, хусусан, ҳалкимиз, айникаса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёхарашини юксалтишига алоҳида эътибор қартилашти.

Шунинг учун фуқароларнинг ижтимоий-сийеси ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқи билимларини ошириб бориш, шунингдек, ахолини, айникаса, ёшларни зарарни ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириши долзардид.

Биз бугун янгилаштан мимлакатда яшаемиз. Жамиятимиз ҳәтида юз берадиган ўзгариш, шиддат билан амалга оширилаётган ислогоҳтлардан бирорта соҳа четда қолмаяпти. Матбуот, телевидение, радио ва интернет нашрларда ҳафтасига ўнлаб Фармон ва қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Уларнинг мазмунини тушуналири тида ҳалқа етказиш эса ҳуқуқий

нашрларнинг мухим вазифаси.

Бугунчача "Адолат" нашр белгиси билан мамлакатимизда 900 га яқиннома қарийб 10 миллион нусха адабиётлар нашр этилиб, ахолига етказилди. Улар орасида кўп минг нусхада ўзбек, рус тилларида ҳамда потин алифбосида нашр қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслар, шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларида оид илмий, илмий-оммабол адабиётлар, дарслар, ўкув қўлланмалари, бадий-детектив китоблар бор.

"Адолат" — китоб кунлари" шиори остида Марказ томонидан Республика бўйлаб китоб сайлари ўтказилди. Вилоят ва туман аддия бошқармаларида, ўкув музассасларида, корхона ва ташкилотларда, ахоли гавжум ҳудудларда ўтказилган кўчма китоб саъдо-ярмаркаларида ёшу қари учун бирдек зарур бўлган ҳуқуқий адабиётлар, ижтимоий-сийеси, бадий-публицистик, жаҳон адабиётлар, дурданлари, бадий-детектив, мустаҳкам сабоклар бўйича китоблар ҳамда болалар адабиётлари ўз ўкувчиларини топмоқда.

Нашр этиланг ижтимоий аҳамиятга эга, оммабол адабиётлар ҳақида "Адолат" ҳуқуқий ахборот марказининг Telegram, Facebook ижтимоий тармоқларида каналларига мунтазам равишда ахборот киритиб борлади.

Бу эса, ҳар бир қабул қилинаётган Фармон, қарор, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-мозиҳи, аҳамиятни фуқароларга тезкорлик билан етказиш, уларни қизиқтирган салволар, масалалар бўйича тушунишилар беришда таъсирчан омил бўлаяпти.

Вазирлар Мажхамасининг 2000 йил 5 августрдаги "Қонун ҳужжатларини туркумлашни

такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишини тартиба солиши чора-тадбирлари тўғрисидаги" карор билан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" Қонунига мувофиқ "Lex.Uz" тизимида 2017 йилнинг 25 сентябрдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий маъна мақоми берилди.

Бугунги кунда "Lex.Uz" тизимида жами 66364 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлиб, улар давлат тили ва рус тилида ёзсан қилинган. Ҳозирда мазкур ҳужжатларни ўзбек алифбосига асосланган лотин ёзуви ва инглиз тилларида ёзсан қилиш юзасидан амалий ишлар бошланган.

Таҳлиллар натижасида, "Lex.Uz"-дан ер шарининг кўллаб нуктапарда фойдаланиши, фойдаланувчиларнинг сони бир кунда ўрта хисобда миндан кўпроқни ташкил этиши аниқланган.

Хусусан, жорий йилнинг май ойига қадар "Lex.Uz"-га Россия Федерациясида 108,1 минг, Англияда 12,6 минг, Қозогистонда 6,7 минг, Украинада 12,4 минг, АҚШда 29,7 минг, Киргизистонда 3,6 минг, Германияда 6,1 минг, Жанубий Кореяда 3,3 минг, Беларуссида 2,8 минг, шунингдек, Ўзбекистонда 2 миллион 300 минг фойдаланувчи мурожаат қилингандига кузатилган.

Ҳозирда "Lex.Uz"-нинг Facebook, Telegram тармоғида каналларида бир ботлари жорий этилган. Уларнинг умумий 27 мингдан ортик фойдаланувчи аудиторияси мавжуд.

**Акмал ИНАНБАЕВ,
"Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази масъул ҳодими**

Аддия сайли Пахтаки туманида

ПАХТАЧИ туманида тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-куватларни мақсадида "Ҳар бир оила — тадбиркор" Давлат дастури доирасида аддия сайли ўтказилди.

Мазкур ҳуқуқ сайлида вилоят аддия тизими ични ишлар бўлимлари, банк мутасаддилари, вилоят ҳокимлиги вакиллари ва олий ўкув юртларининг ўш олимлари қатнашдилар. Мутахассисларнинг фуқаролар билан мулокоти жараённида асосий эътибор ахолининг ҳуқуқий оғиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтишига, уларга ҳабул қилинаётган қонунларни баробарида ушбу ҳужжатларга киритиётган ўзгариши ва қўшимчалар ҳақида оддий тида тушунишилар беришга, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича тегишилар ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш, оиласий низолар ва ахримлар, ишизлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиши каби кўплаб масалаларга қаратиди.

Давлат нотариал идоралари нотариуслари, туман (шаҳар) аддия бўлимлари ва давлат хизматлари марказлари ходимлари томонидан 300 дан ортик фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди ҳамда туман ФХДЕ бўлимни томонидан 14 та түғрилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўз эгаларига топширилди.

**Дилмурод АХМЕДОВ,
Самарқанд вилоят аддия бошқармаси
бошлиғи биринчи ўринбосари**

"БОЛАМ,"

ИНСОННИЙЛИК ва миллий қадриятларимиз манбани Ҳадиси шарифда айтилишича, уч тоифа инсоннинг дуоси орта қайтарилмайди. Шулардан бири ота-онанинг фарзандлар ҳақига қилган дуосидир.

Дарҳақиқат, юзпариға бешафқат ҳаётнинг қат-қат излаштирилган, нурсиз кўзларига маҳзунлик иш курган, тилларидан шуқроналик аримайдиган таббарук зотларнинг кўллари ҳамиси дуода. Улар Яратгандан элу юрта тинчлик-омонлик, ёшларга баҳт-саодат, ёмонларга инсофу дийнат тилашдан аслло чарчамайдилару, аммо ўзлари учун эса ҳеч нарса сўрашмайди. Чунки ҳаётда уларнинг озиганина меҳрдан, фарзанд дийдорига баҳту иқбилидан бўлак ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ.

Таъбир жоиз бўлса, ота-онанинг фарзанди учун, фарзанд камоли учун беминнат фидойи жон, дегимиз келади. У дунёга келганида бир парча гўшт эди, ота парваришлаб бокди, она кечалари ширин уйкусидан воз кечиб тунни тонига улади, ўзлари емай едириб, боласининг кўлига кирган тикикан жонларига қадалиб, не бир орзу умидлар билан вояжда етказди, касб-хунар ўргатди. Ўй-жойли қилди.

Фарзанднинг ота-она оғидаги қарзи нечоглиг улкан эканлигини барчамизга ташиш бўлган қўйидаги машҳур ривоятдан ҳам билса бўлади.

Қайсиидир тақводор йигит онасини елкасида опичлаб ҳаҳ сафарига олиб борибди. Ўз ишидан дили ҳузурланиб, руҳи енгил тортиби. Муҳаммад алайхиссалом ҳузурларига келиб, фарзандлик ҳақини адо қилган, қўлмаганлигини сўрабди. Шунда у муборак зот: "Сен онангнинг фақатина бир кечи ширин уйкиси ва эмизганлиги ҳақини адо қилдинг", дебдилар.

Афуски, орамизда умрబўй ўғил-қизларининг муваффакиятларидан севинич, гаму ташвишларидан ўзларидан ортиқроқ кўйиниб юшайдиган фаришта янлиғи нуорин инсонлар, фарзанд мөхри вайиб қўйган беоқибат фарзандлар ҳам йўқ эмас. Акс холда Қариялар үйидага мудом йўлга төрмулган, дастурхони тўқину кўнгиллари ўқсик, оғзида ошу кўзларида ёш оталар ва оналар бўлмас эди.

Ҳамма нарса бор, лекин...

Пойтахтимизнинг сўлим ва сокин гўшаларидан бирида жойлашган Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидамиз. Пансионат директори Франзиға Акрамова биз билан сұхбатни юқоридаги сўзлар билан бошлаганига аввалига бироз ажаблангандек бўлдик.

— Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатизмда айни дамда 158 нафар кекса отахон ва онахонлар умргузаронлик қилмоқда, — деди Ф.Акрамова. — Уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун давлатимиз томонидан барча шароит, имтиёз ва қулийларни ютказилган. Қарияларимизга жами 100 нафар малакали ходим хизмат кўрсатади. 2018 йилда Василик кенгаши ва ҳомийлар ёрдамида пансионат иморати қайта қуриб битказилди. Эндиликда ҳар бир киши учун керакли майший техник воситалар билан жиҳозланган яшаш, юниш хоналаридан иборат алоҳида уй ажратилган. Турил спорт заллари, кутубхона, маънавият ва матърифат хоналари кексалар хизматида. Таникли санъаткорлар, олиму зиёлилар, адиллар иштироқида турли учрашувлар ташкил қилинади. Юртимизнинг тарихий масакнлари, зиёраттоҳ ва табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилади.

Мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, табаррук отахон ва онахонларимиз қалбларига қувонч баҳш этиши, уларни рози қилиб, дуоларни олиши. Мұхтарам қарияларимизнинг юз-қўзларидаги кўргургандаги, рости ўзимизнинг ҳам дилларимиз яйраб, қилаётган ишларимиздан фахрланиб кетамиз. Лекин кўнглимини хира қиладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Сабаби, 20 фоиз қарияларимизнинг фарзандлари бор. Уларнинг кўллари ўғил-қизларининг йўлида ҳамиша нигорон. Айримлари, ҳатто катта лавозимларда ишлайди, таникли инсонлар. Лекин ота-онаси холидан хабар олиши вақтлари йўқ.

Очиги, кўлчиллик қарияларимиз ОАВ вакиллари билан сұхбатлашни хуш кўришадиган. Айтадиган, дардлашадиган гаплари йўқ бўлгани учун эмас, балки уялишган учун. Ўзларидан кўра, фарзандларининг обрўсини ўйлашади.

Исмимни ёзманг, ўғлимга уят бўлади!

— Исмимни ёзмасангиз, майли гаплашаман, — деди 86 ёшли табаррук отахон. — Бу ерда яшаеттанимга ўн йилдан ошиди, ўз үйимдек бўлиб қолган. Қўриб турганин-

МЕНГА ПУЛИНГ ЭМАС, МЕХРИНГ КЕРАК..."

ёхуд останада қолған армонлар



